



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ҳаммининг
қўнглини
олиш қийин.
Бироқ бу
ишга ҳар
қуни уриниш
зарур.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 1-may, shanba, 51 (23.487)-son

«МАРДИКОР БОЗОР» лари

Ўрнида кунлик меҳнат марказлари ташкил этилади

Шу йилнинг 28 апрель куни Президент томонидан "2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида" қарор қабул қилинди.

Унга кўра, 2021 йилда 457 127 та доимий янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича прогноз кўрсаткичлари тасдиқланди.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2021 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида:

- субсидиялар ажратиш учун – 92,3 миллиард сўм;
- ишсизлик нафақалари тўлаб бериш учун – 65,1 миллиард сўм;
- касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш харажатларини қоплаш учун – 40,6 миллиард сўм;
- янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи кичик лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банкларида ажратилган ресурслар учун – 125 миллиард сўм ажратилади.

бажарувчи шахсларнинг ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтиши ва электрон (қоғоз) шаклдаги маълумотнома олишига шарт-шароит яратиш;

- иш изловчиларни корхона ва ташкилотлардаги бўш (вакант) иш ўринлари билан мунтазам таништириб бориш ҳамда доимий ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;
- вақтинча ишлар билан шуғулланувчи шахсларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш, касбга тайёрлаш (қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)ни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатиш;
- манфаатдор иш берувчилар ва иш изловчилар иштирокида бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил қилиш;
- вақтинча ишлар билан



"Барча учун иш" таъминоти асосида вақтинча ишларни ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, иш берувчилар ва ишловчиларга масофадан туриб хизматлар кўрсатиш кенг жорий этилади.

Вақтинча ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш жараёнида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорлик субъектлари кенг жалб этилади. Бунда иш изловчиларни ётоқхона ва транспорт билан таъминлаш, тезкор буюртмалар олиш ва бошқа қўшимча хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари хузурида фаолият юритаётган вақтинча бир марталик иш билан таъминлаш бюралари Кунлик меҳнат марказлари сифатида қайта ташкил этилади. Кўйидагилар уларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- иш изловчиларни рўйхатга олиш, улар тўғрисида маълумотлар базасини юритиш, иш берувчи жисмоний ва юридик шахслардан фуқароларни вақтинча ишларга ёллаш бўйича буюртмалар олиш;
- вақтинча ишларни

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Қозоғистоннинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Дархан Сатибалди, вилоят ҳоқими Э.Турдимов ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди.

– Биз Бош консулхонамиз учун Самарқандни танлашимиз бежиз эмас. Чунки бу шаҳар Ўзбекистоннинг йирик тарихий-маданий марказларидан бири, иқтисодий салоҳияти, инвестициявий жозибадорлиги юқори ҳудуди ҳисобланади, – деди Қозоғистон элчиси Дархан Сатибалди. – Вилоятдаги бир қатор корхоналар фаолияти билан танишиб, уларнинг Қозоғистон билан яқин ҳамкорликда ишлаётганига гувоҳ бўлдик. Хусусан, яқинда Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган замонавий автобуслардан 50 таси Туркистон шаҳрига етказиб берилди. Йил якунига қадар яна 200 та шундай автобус харид қилиш режалаштирилган. Шунингдек, ўтган йил якунида Самарқандда "Тенгебанк" филиали иш бошлади. Бош консулхонамиз бу алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонамиз.

– Бу йил Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 29



Самарқандда Қозоғистоннинг Бош консулхонаси очилди

йил тўлади, – деди Э.Турдимов маросимда. – Ўтган йиллар давомида давлатларимизнинг яқин қўшничилиги ва стратегик шерикликка асосланган алоқалари мустаҳкамланди. Айниқса, кейинги йилларда икки давлат раҳбарларининг ташаббуси билан бу ҳамкорлик янги bosқичда давом этмоқда. Мазкур консулхона ҳам бунинг натижаси десак, муболага бўлмайди. Ўтган йил якуни

ларига кўра, вилоятимизнинг Қозоғистон билан ўзаро товар айланмаси 147 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бугунги кунда Самарқандда Қозоғистон капитали иштирокидаги 15 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Тадбир қатнашчилари консулхонада яратилган шароит, хизмат кўрсатиш имкониятлари билан танишди. Қозоғистоннинг Самарқанддаги Бош

консули Азамат Аубековнинг қайд этишича, консулхона Самарқанд билан бирга мазкур минтақага яқин вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи аҳолига, қозоқ диаспораси вакиллари, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатади.

Бош консулхона Самарқанд шаҳар Баҳодир Ялантўш кўчаси 52-А уйда жойлашган.



Чемпионларни ҳоқим эътироф этди

Вилоят ҳоқими Э.Турдимов халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ғолиб бўлган уч нафар самарқандлик спортчи ҳамда уларнинг ота-онаси ва мураббийларини тақдирлади. Жумладан, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, булунғурлик Мўминжон Абдуллаевга XXXII ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма олганлиги учун ташаккурнома ва 50 миллион сўмлик сертификат топширилди.

Иштихонлик Нигина Уктамова эса юртимиз тарихида илк бор қизлар ўртасида бокс бўйича жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлгани учун унинг ота-онасига ташак

курнома берилди. Унга яқинда машина ва туман ҳоқими томонидан уй-жой учун бошланғич тўлови тўлаб берилганди.

Булунғурлик яна бир спортчи Ситора Турдибековага ҳам ташаккурнома ҳамда 25 миллион сўмлик сертификат топширилди. У яқинда Польшанинг Кельсе шаҳрида ўтказилган бокс бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида бронза медалини қўлга киритганди.

Чемпионларнинг ота-оналари ва мураббийларига ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ҳусан ЭЛТОВ.

Қурилишда бурилиш бўлиши зарур

Жорий йилнинг 28 март куни Самарқанд шаҳри Мақсуд Шайхзода маҳалласи, Лоҳутий кўчаси, 31-уйда вақтинча яшовчи 5 нафар фуқаро хонадонда ўрнатилган иситиш печидан ис газы ажралиб чиқиши оқибатида заҳарланган. Афсуски, уларнинг 4 нафари вафот этган.

Кейинчалик уларнинг туманлардан келиб, қурилишда ишлаётганлиги аниқланди. Ходиса ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Табиий савол туғилади – бу каби ҳолат қайта такрорланмаслигига ким кафолат бера олади?

"Юксалиш" умумийлик ҳаракати ташаббуси билан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг sanoat, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси аъзолари, масъул ташкилотлар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ кўнча кентда ана шу саволга жавоб излади.

Ишчи гуруҳ қурилиш объектларида ишчилар учун яратилган шароитлар, меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ масалалар, иш берувчи ва ишчи ўртасидаги шартномавий муносабатларни жамоатчилик назорати тартибига ўрганди.

Жумладан, Самарқанд шаҳри Рудакий кўчаси, 225-уйда "Elite Story Building" МЧЖ, 172-уйда "Indigo Sand Trade" МЧЖ, Рудакий ва Набиева кўчалари кесимидаги "Florensiya Samarqand" МЧЖ, Нодирабегим кўчаси 2, 4-манзилда "Темп Строй Торг" МЧЖ томонидан қурилатган объектлар ўрганилди.

Объектларда ишчиларнинг меҳнат шароитлари талаб даражасида эмаслиги, кўпчилиги ҳимоя воситаларидан фойдаланмаёт-



ганлиги, газдан фойдаланишда хавфсизлик талабларига риоя қилмаслик, овқатланиш ва ётоқ жойлари бир хонада ташкил қилинганлиги ҳолатларига гувоҳ бўлдик.

Албатта, маълумотлар умумлаштирилиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига муҳокама қилиш учун киритилди.

Юқоридаги каби кўнгилсиз ҳодисалар яна содир бўлмаслиги учун мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, бунда иш берувчининг шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсада мувофиқ бўлади.

"Юксалиш" умумийлик ҳаракати вилоят бўлини маси.



2000 та захира ўрин ҳозирланди

Сухроб ЗАЙНИЕВ, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

– Айни кунларда вилоятда 223 нафар фуқаро коронавирус хасталиги билан даволанмоқда. Ҳар кунги тест натижалари мусбат чиқаётган аҳоли сони ошиб бораётир. Вирус қўтирганларнинг 146 нафари унинг энгил шакли билан оғриган бўлиб, уй шароитида даволанаётган бўлса, 77 нафари стационар шароитда даволанмоқда. Хабарингиз бор, Самарқандда вирусни даволашга мўлжалланган, барча шарт-шароитларга эга махсус шифохона қуриб битказилди. Унда тажрибали инфекционист шифокор ва реаниматологлар фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда мазкур шифохонада 77 нафар бемор даволанмоқда.

Шунингдек, вилоят миқёсида 6 та шифохонада 2020 ўринли захира ўринлар ташкил этилган бўлиб, уларнинг 370 таси реанимацион койкалардир. Ушбу захира бўлимлари ҳам беморларни вирусдан даволаш учун барча шарт-шароитлар, кислород билан таъминловчи ускуналарга эга. Алоҳида таъкидлашни истардимки,

кейинги икки йил ичида вилоятга тўртта кислород станцияси келтирилди ва шифохоналарга ўрнатилди. Шу нуқтаи назардан бу масалада муаммо бўлмади.

Қолаверса, Самарқанд шаҳридаги 4-оилавий поликлиника ҳамда махсус шифохона қошида ковид-поликлиникалари ташкил этилди. Поликлиникалар 24 соат давомида фаолият кўрсатади. Шунингдек, вилоятнинг барча туман ҳамда шаҳар поликлиникаларининг барчасида, тез тиббий ёрдам бўлимларида мобил бригадалар мавжуд бўлиб, COVID-19 га гумон қилинган беморларга қақриқ бўйича хизмат кўрсатади.

Касалликни даволашда соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган 49 турдаги дори-дармон захираси мавжуд. Шунингдек, уйда даволанаётган беморлар учун 64 390 та аптечка захираси яратилган.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, фуқаролар ўзбошимчилик билан уйда даволанмасликларини сўраймиз. Сабаби, ҳафталаб уйда даволаниб, сўнг оғир аҳволда шифокорга мурожаат қилаётган беморлар учрамоқда.

Вакцина олганларга сертификат берилади

Зойир МўМИНОВ, вилоят санитария-эпидемиологик ошйишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

– Кейинги кунларда дунёдаги 104 та давлатда коронавирус билан касалланганлар сони ўсиши кузатишмоқда. Шу жумладан, мамлакатимизда ҳам. Агар вилоятимиз мисолида оладиган бўлсак, ўтган йилнинг апрель ойидаги рақамлар билан шу йилнинг апрель ойи кўрсаткичлари орасида ҳам фарқ сезиларли. Ўсиш 6,4 фоизни ташкил қилади. Қолаверса,

ўтган йилнинг шу ойда вилоятнинг 7 туманида ушбу вирус қайд этилган бўлса, бу йил 14 туманда аниқланган. Шунинг учун республика махсус комиссияси томонидан вирус аниқланган таълим муассасаларини вақтинча масофавий ўқитишга ўтказиш, тўй-ҳашамларни қисқартириш, транспорт воситаларида одам сонини чеклаш каби қоидалар киритилди.

Шунингдек, бугун аҳолининг маълум тоғида вакцинация жараёнидан ўтди. "Aztra Zeneca" вакцинаси икки bosқичда амалга оширилса, "ZF-UZ-VAC2001" вакцинаси уч марта, ҳар ойда бир олиниши лозим. Барча bosқич амалга оширилган, вакцина олган фуқароларга сертификат топширилади.

Қолаверса, авиарейслар орқали мамлакатимизга келаётган фуқаролардан 72 соат ичида текширилган тест натижалари талаб қилинмоқда.

Фаровонлик мезонида Иштихон тажрибаси қанчалик самарали

Давлатимиз раҳбари 15-16 апрель кунлари вилоятимизга ташрифи давомида Иштихон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида бир қатор тақлиф ва тавсияларини билдирди. Мазкур вазифалар ижроси юзасидан туманда бошланган ишлар билан танишиш мақсадида Иштихонда бўлди. Туман ҳокими ҳамроҳлигида ҳудуддаги ўзгаришлар билан танишдик. Дастлабки манзилимиз Халқобод маҳалласи бўлди.



«Президент ташрифидан сўнг...»

яхши даромад берадиган ўсимлик, дейишимиз мумкин. Рентабелликка қарайдиган бўлса, қишлоқ хўжалик экинларида бирорта ўсимликдан гектарга 250 миллион сўм даромад олинмайди. Бир гектарга жами 5 миллион сўм ҳам ҳаражат кетмайди. Унда нега ҳамма жойга шафран экилмайди, деган савол пайдо бўлади? Буни аввал ўргандик. Дастлаб биринчи сектор ҳудудидаги Бешариқ ва Хна қишлоқларидаги 3 та томорқачи экиб кўрди, кейин 37 хонадонда экилди, 2020 йилда 87 томорқачи экиб, даромад олди. Биздаги маълумотларга кўра, ҳозир улар қаторига Халқобод ва Сафоҳўжа маҳаллалари ҳам қўшилиб, 2021 йилда 224 хонадонда шафран экиб парвариланяпти. Хитойлик тадбиркорлар билан туманимизда шафран гулини қайта ишловчи корхона очиш бўйича мунозаралар олиб бораёмиз. Улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, 1 килограмм шафран гулининг нархини 1 миллион сўмга етказса, аҳоли 10 сотих томорқасидан 50 миллион сўм даромад оلسа Иштихонда бирорта камбағал оила қолмайди. Келгусида камбағал ва "Темир дафтар"даги оилаларни шафран уруғи билан таъминлаш учун бу йил иккита фермер хўжалик тасарруфидоғи 12 гектар майдонда шафран экилди.

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ИШТИХОН ТАЖРИБАСИ

Президентимиз вилоятимизга ташрифи чоғида тадбиркорликка шартли яратиб бериш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратди, - дейди туман ҳокими Шўҳрат Негматов. - Фаоллар билан учрашувда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"даги фуқаролар бандлигини таъминлаш учун аниқ вазифалар белгилаб берилди. Фақат белгиланган ташқари, вазифаларнинг моддий томондан асоси ҳам кўрсатилди. Шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда аввало, уларга керакли асбоб-ускуна олиб бериш орқали бандлигини таъминлашга эътибор қаратдик.

Халқобод маҳалла марказининг бўш турган хонасида 46 нафар аёлни бир жойга жам қилиб, тикувчилик кооперацияси ташкил қилдик. "Устоз-шогирд" анъанаси асосида тажрибали тикувчи ва бичувчиларни жалб этиб, аёлларга тикиш-бичишни ўргатиш, хунарли қилиш билан бирга, бандлигини ҳам таъминлаяёмиз.

Туманимизда 62 маҳаллада 42 минг 366 хонадон, 55 минг 910 оила мавжуд. Бу оилаларда хатлов ўтказиш натижасида "Темир дафтар"га 2953 хонадон киритилган. Бугунги кунда 2433 хонадон рўйхатдан чиқарилди. Ҳи-

соб-китобларимизга кўра, рўйхатдаги фуқароларга керакли асбоб-ускуналар олиб бериш орқали йил якунигача 218 нафар бандлиги таъминланмаган фуқаро қолади. Уларни томорқаларига бириктириш, Аҳоли бандлигини таъминлаш жамғармаси ҳисобидан субсидия бериш орқали "Темир дафтар"дан чиқаришга эришилмоқда. "Темир дафтар"да ноғирон, боқувчисини йўқотган, меҳнатга лаёқатсиз, ижтимоий аҳоли оғир фуқаролар сақлиниб қолади. Уларга саховат ва кўмак дафтариимиздан махсус маблағлар ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилади. Маҳаллабай ишлаш тизимининг афзал томонларидан бири ҳар бир маҳаллага бир нафардан банк ходими бириктирилди. Бундан ташқари, ҳар бир секторда иқтисодий комплекснинг тажрибали мутахассисларидан иборат бошқарув офиси раҳбари тайинланди. Офисга иқтисодий комплекснинг 5 нафардан малакали ходимлари бириктирилди. Улар маҳаллаларда юриб, аҳолининг эҳтиёжларини, дафтардан чиқарилган фуқароларнинг фаолиятини ўрганади. Илгари маҳалла раисидан тадбиркорликка иштиёқи бор фуқароларни сўрасак раислар танишларининг рўйхатини беради. Маҳаллабай ишлашда тажрибали банк ходимлари тадбиркорликка иштиёқи бор фуқароларни тез аниқлайди ва бошқарув офисига ўз тавсиясини беради. Бу реал тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

ШАФРАН БОЙ ҚИЛАДИГАН ЎСИМЛИК(МИ?)

"Темир дафтар"дан чиқариш бўйича тумандаги 2955 нафар кам таъминланган оилада ўзгача ёндашув қилдик, - дея сўзида давом этди ҳоким. - Яъни, томорқадан фойдаланиб даромад олиш. Томорқада шафран гули экиш масаласида уч-тўрт йилдан буён ишлаяёмиз. Кўплаб оилалар шу экиндан яхши даромад олиб, камбағалликдан қичди. Биз аввало, ёввойи шафранни танладик. Айрим жойларда маданий шафранга талаб катта. Бундай уруғлар хориждан қиммат нархга олиб келинади, минерал ўғит бериш лозим. Қолаверса, касалликка тез чалинади, сув кўп талаб қилади ва ҳаражати юқори. Ёввойи шафран эҳсаб, бир сотих майдонга минг сўмлик уруғ кетади. Бир сотихдан ўртача 5 килограмм ҳосил олинши ва ички бозорда унинг нархи ўртача 500-700 минг сўм эканлигини ҳисобга олсак, бир сотихдан 2,5 миллион сўм, 10 сотих томорқадан 25 миллион сўм соф даромад олиш мумкин. Бу ўсимликни эккандан сўнг бир марта чопиқ қилинади ва кам сув талаб қилади. Тиканли бўлгани учун мол-қўй емайди, минерал ўғит умуман берилмайди. Аксинча, бир гектар майдонда 100 килограммгача азот жамғарилади. Яна бир афзаллиги биринчи экин сифатида экиб, йигирма кун тонг пайтида гули териб олинади, бўшаган майдонга такрорий экин экиш мумкин. Буни беор,



Ўқитам ХУДОЙБЕРДИЕВ, Бахтиёр МУСТАНОФ (фото). Мақоланинг тўлиқ шаклини Zarnews.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Самарқанд шаҳрида ёш ижодкорлар ўртасидаги "Истеъдод мактаби" республика танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди.

Жиззахлик ва самарқандлик ёшлар ижодий қобилиятини синашди



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган икки кунлик тадбирда сараланган 10 нафар Жиззахлик ва 10 нафар самарқандлик ёшлар беш йўналиш бўйича ўз билимларини синовдан ўтказди. Улар назм, наср, публицистика, болалар ижодиёти, таржимонлик йўналишлари бўйича беллашди.

Танлов якунига кўра, ижоди юқори баҳоланган ёшларга сертификат ҳамда эсдалик совғалари топширилди, уларнинг асарлари "Биринчи китобим" лойиҳаси доирасида чоп этиладиган бўлди.

Шунингдек, Регистон майдонида тадбир қатнашчилари иштирокида "Самарқанд шеърят оқшоми" мушоираси ўтказилди. Бир гуруҳ самарқандлик ижодкорлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Сайид, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир бу каби тадбирлар истеъдодли ва иқтидорли ёшларни кашф этишда катта аҳамиятга эгаллигини таъкидлади.

Хусан ФАЗЛИДИНОВ.

Ноҳақ ишдан бўшатилган банк ходими вазифасига тикланди

Унга бекор юрган кунлари учун ҳақ ва маънавий зарар ундириб берилди

Г.Аҳмедова «Агробанк» туман филиалида 2015 йил 28 декабрдан 1-тоифали мутахассис лавозимида ишлаган. Аммо штатлар қисқарганлиги важи билан 2019 йил 28 октябрь кун ишдан бўшатилган.

У судга берган даъво аризасида ҳақиқатдан ҳам штатлар қисқартирилиши ҳақида қонунда белгиланган муддат - икки ой олдин огоҳлантирилганини, аммо банкда КРП тизими бўйича янги штат пайдо бўлганлигини, у маълумоти олий бўлишига қарама-қарс рағбатдан ўрта-махсус маълумотли, меҳнат стажига эга бўлмаган ходимлар ишга олинганлигини билдирган.

Шунингдек Г.Аҳмедова банк маъмурияти бошқа иш тақлиф қилмаганлигини, унинг қарамоғида 3 ёшга тўлмаган фарзанди борлигини, иқтисодий аҳоли оғир эканлиги ҳисобга олинганлигини таъкидлаган.

Аниқланишича, ҳақиқатдан ҳам «Агробанк» АТБ туман филиалида Президентимизнинг ПФ-5780-сонли фармони ҳамда банк бошқарувининг қарорига асосан таркибий тузилмага ўзгартириш киритилган. Бу бўйича қисқариши мумкин бўлган лавозимдаги шахслар, шу жумладан, даъвогар ҳам огоҳлантирилган. Бироқ банк томонидан лавозими қисқартириладиган ходимларга иш тақлиф қилиш тўғрисидаги йиғилиш қарори билан Г.Аҳмедова таништирилмаган. Яъни, у йиғилишда иштирок этмаган.



Банк мутасаддилари меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги 29-сонли буйруққа асос бўлган қасаба уюшмаси кўмитасининг розилиги ҳақидаги буйруғини ноқонуний деб топди. Қарор билан "Агробанк" АТБ туман бўлимига Г.Аҳмедовани аввалги ишига тиклаш, лекин мазкур иш ўрни қисқарганлиги сабабли шу иш ўрнига тенг иш билан таъминлаш мажбурияти юкланди. Бундан ташқари, даъвогар фойдасига 2019 йил 28 октябрдан 2020 йил 28 январга қадар бўш юрган кунлари учун ўртача иш ҳақи миқдорини ҳамда 2 миллион сўм маънавий зарар ундириб беришни лозим топди.

хужжатни судга тақдим эта олмади.

Суд жараёнида тарафлар ваъдалар тўлиқ таҳлил қилиниб, даъвогар Г.Аҳмедованинг ваъдалари ўз тасдиғини топди. Суд қонун ҳужжатлари талаблари ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, «Агробанк» туман филиалининг 2019 йил 28 октябрдаги 29-сонли буйруғини ноқонуний деб топди.

Қарор билан "Агробанк" АТБ туман бўлимига Г.Аҳмедовани аввалги ишига тиклаш, лекин мазкур иш ўрни қисқарганлиги сабабли шу иш ўрнига тенг иш билан таъминлаш мажбурияти юкланди. Бундан ташқари, даъвогар фойдасига 2019 йил 28 октябрдан 2020 йил 28 январга қадар бўш юрган кунлари учун ўртача иш ҳақи миқдорини ҳамда 2 миллион сўм маънавий зарар ундириб беришни лозим топди.

Камол НАМАЗОВ, фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро суди раиси.

Қонунчиликда ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси термини қўлланилади. Аксарият одамлар учун янги бу тушунча ҳуқуқбузарликлар профилактикасини беvosита амалга оширувчи орган ёки муассаса томонидан муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайитиришга қаратилган профилактик чора-тадбирдир.

Оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашда

виктимологик профилактиканинг ўрни

Аслида ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг 44-моддасида белгиланган. Унга кўра, мазкур юмуш бир вақтнинг ўзида умумий, махсус, яқка тартибдаги виктимологик хусусиятга эга бўлган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари бугунги кунда: - биринчидан, фуқароларни огоҳлик ва ҳушёрликка қақариш билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оқсаттиришга; - иккинчидан, низоли оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашга; - учинчидан, ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлиги туфайли шахсга ва мулкка қарши ҳуқуқбузарликлар жабрланувчисига айланиши мойил-

лиги бўлган шахсларга; - тўртинчидан, оила-турмуш ва маиший соҳада тез-тез низолар, келишмовчиликлар келтириб чиқарувчи ва бошқа салбий хусусиятларга эга тоифадаги шахсларга нисбатан умумий, махсус ва яқка тартибда ушбу ҳамда бошқа қонунлар талаблари асосида амалга оширилади.

Умуман, ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини: а) ҳуқуқбузарликдан жабрланиши эҳтимоли мавжуд бўлган; б) ҳуқуқбузарликлардан жабрланган; в) ғайриижтимоий хулқ-атвори ва бошқа ҳуқуқбузарликдан жабрланишга мойиллиги юқори бўлган шахсларга нисбатан амалга ошириш мақсадга мувофиқ ва мантиқан тўғри.

Баҳодир ҚУРБОНОВ, ИИВ академияси 3-ўқув курси курсанти.

Маҳсулот экспорти учун халқаро стандартлар зарур

"Ўзстандарт" агентлиги ва унинг тизим ташкилотлари томонидан корхоналарда халқаро стандартларни жорий қилиш ва сертификатлаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, озиқ-овқат саноатидаги Халқаро стандартлаштириш ташкилоти - ISO ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг - CODEX ALIMENTARIUS стандартлари аслича қабул қилинди.

Бу мамлакатимизда халқаро стандартлар асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, стандартлаш ҳамда агробизнес йўналишида консалтинг, маркетинг хизматларини ривожлантириш ва илмий тадқиқотларга асосланган интенсив агросаноат тизимини ташкил қилади. Соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигига замонавий технологияларни кенг жорий этишга ҳамда ушбу стандартлар асосида ўтказилган мувофиқлик баҳолаш натижалари халқаро даражада тан олиншига замин яратяпти. Ҳозирда экспортга йўналтирилган товар ишлаб чиқарувчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

етиштиришга ихтисослашган фермер-деҳқон хўжаликлари томонидан ISO, Oeko Tex, Global G.A.P, Organic ва бошқа халқаро стандартлари асосида сертификат олиш бўйича кўплаб муурожаатлар бўлмоқда. Бу борада "UzTest" ДУК Самарқанд филиали томонидан ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятдаги мавжуд 459 та экспортёр корхона рўйхати шакллантирилиб, ушбу корхоналарга мувофиқлик баҳолаш соҳасида амалий ёрдам бериш мақсадида туманлар кесимида мутахассислар бириктирилди. Улар томонидан жойига чиққан ҳолда корхоналар фаолияти ўрганилиб, халқаро стандартлар билан таъминланмоқда. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини кенгайтириш, сифати ва рақобатбар-

дошлигини ошириш бўйича тавсиялар берилмоқда.

Вилоятимиздаги текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи 5 та корхонада "Oeko Tex 100" халқаро стандартини жорий қилиш ва сертификатлаштириш бўйича аризалар олинди. Уларга молиявий ёрдам кўрсатиш учун инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги экспортни рағбатлантириш агентлигига киритилди.

Бундан ташқари, "UzTest" ДУК қошидаги сифатни бошқариш тизимлари сертификатлаштириш идоралари томонидан 2020 йил ва 2021 йилнинг биринчи чорагида вилоятдаги экспортёр корхоналарга ISO 9001 халқаро стандарти асосида 42 та мувофиқлик сертификати берилди. Шунинг 8 таси халқаро ва 34 таси миллий сертификатлардир. Бунинг натижасида ушбу корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар экспорт географиясини кенгайтирилиб, янги бозорларга кириб боришга эришилди.

Камол МУРОДОВ, «UzTest» ДУК Самарқанд филиали бошқарувчиси.

Уни «Норик» дейишарди

Самарқанд журналистикасида унинг ёрқин изи бор: қаламга оладиган мавзуларини чуқур ўрганади, бирон жиҳати эътибордан четда қолмасди. Мақола ўқишли бўлиши учун майда деталларга келтирарди. Факт ва рақамларни мақола мазмунига синдириб юборарди.

Биз ҳикоя қилаётган ижодкор Нормухаммад Сайфиддинов-дир. Синчков ва зехнли журналист ҳаёт бўлганида 70 ёшга тўларди.

У 1951 йилда Самарқанд туманида туғилди. Ўрта мактабни битиргач, Самарқанд давлат педагогика институтида сабоқ олди.

Кечагидай эсламан: Нормухаммад хушчақчақ, самимий ҳамкасбларимиздан эди, - деб хотирлайди фахрий журналист Тоғаймурод Шомуродов. - Институти битиргач, бир муддат ўқитувчилик қилган ва кейин Жиззах вилояти Пахтакор тумани газетасида муҳбирлик малакасини ўрганган, масъул котиб бўлган. Сўнгра тахририятимизга ишга келди. Биз уни «Норик» деб атардик. Норик «Ленин йўли» («Зарафшон») газетасида жўшқин ижод қилди, спорт бўлимини бошқарди.

1991 йил 1 майда Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг «Са-

марқанд» газетаси таъсис этилди. Иқтидорли журналист Нормухаммад Сайфиддиновни газета муҳаррирлигига тавсия этишди.

Самарқанд шаҳар тарихий ва меъморий обидалари билан машҳур учта туман ва маҳаллаларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётини ёритиш, муштарийлар қалбига йўл топиш осон кечмади. У ўзбек, тожик, рус тилларида чоп этиладиган газета мақолаларини синчиклаб ўқиб чиқар, тахрир қиларди.

«Самарқанд» газетаси Н.Сайфиддинов раҳбарлигида шаклланди. Ҳафтада бир марта нашр этиладиган газета омма ўртасида ўрнини топди. Мухими, газета заҳматидан ҳузур топадиган меҳнаткаш муҳаррир Нормухаммад Сайфиддиновнинг номи ҳам сиёсат, ҳам ахборот майдонида тез-тез тилга олинадиган бўлди. Яна бир эътиборли жиҳати, Нормухаммад аканинг инсоний фазилатлари ҳар қандай кишининг ҳавасини келтирарди. Тахририятдаги баъзи масъулиятсиз, топшириқни вақтида бажармайдиган ходимларга ҳам қаттиқ гапирмасди. Аксинча, у тайёрлаши зарур бўлган мақолани ўзи ёзиб қўя қоларди. Бу эса ижодий ходимга катта сабоқ бўларди. Нормухаммад Сайфиддинов муҳаррирлик йиллари иккита



китеб ёзди. Бири машҳур спортчи Мамажон Аҳмедов сулоласи ҳақида «Полвон» номи хужжатли қисса, бири Дамариқ маҳалласи, ота-онаси ҳақида эди.

1995 йил эзда Н.Сайфиддинов вилоят ҳокимининг матбу-

от котиби сифатида фаолият юрита бошлади. Бу катмар, дили тоза инсон юқори лавозимда бўлса-да, «Самарқанд»ни эсдан чиқармас, тахририятга тез-тез келиб турар, «Табаррук газети асримизнинг бошларида чиқа бошлаган. Биз улуг боболаримизнинг эзгу ишларини мустақилликнинг илк йилларида давом эттирдик. Бу кутлуг даргоҳда ишлаган киши буни асло унутмаслиги керак», дея ҳамманинг қалбини фахр-ифтихор ҳиссига тўлдирарди.

Кейин Нормухаммад Сайфиддинов вилоят телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари бўлди. Журналистика доимо унинг сеvimли касби, машғулотиди эди. Дўстлари, шогирдларини кўрганида дили қувончга тўлиб кетарди.

1997 йил июлда Н.Сайфиддинов оғир касалликка чалиниб, 47 ёшида ёруғ дунёни тарк этди.

Бугун Нормухаммад аканинг оиласи давраси кенг. Аёли – Мўътабар Толибова ва ўғил-қизлари унинг номи доим ардоқлайди, эзгу ишларини фарзандлари ва неваралари, шогирдлари давом эттирмоқда.

**Убайдулла СИРОЖЕВ,
Акрам ҲАЙДАРОВ.**

Ургутдаги Ғўс қишлоғи азалдан уста хунармандлар маскани сифатида ҳам тилга тушган. Бу ердан ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик ва мисгарлик, қулоччилик билан шуғулланиб келаётган сулолалар кўп. Улар нафақат шу ҳудудда, балки мамлакатимиз ва хорижда ҳам ўз хунари билан бунёдкорлик ишларига қатнашиб, заҳматли меҳнати билан номларини тарихда қолдирганлар.

Устозимиз уста Маҳкам Шуқуров ана шундай устоздалардан бири эди. У киши 1926 йилда деҳқон оиласида туғилган. Лекин болалигидан хунар ўрганишга, ёғоч ўймакорлигига қизиққан. Афсуски, ўша давр ёшлари қатори Маҳкам аканинг ҳам чекига Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ортини мустаҳкамлаш, далага чиқиб меҳнат қилиш тушган. Шу сабабли мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ колхозда ишлаб, суяги меҳнатда қотган. Мактабни тугатиши билан туман марказидаги Калангар маҳалласига ишга буюрилиб, бригадирга ёрданчилик, табелчилик қилган.

1948 йилда қишлоққа қайтиб яна колхозда ишлашга мажбур бўлган. Аммо орадан кўп ўймак Сталин репрессиясига учраб, ноҳақ айбланади. Кейинчалик албатта, бу талотўплар барҳам толиб, пок номи оқланади. Лекин Маҳкам ака хўжаликда ишлашни ўзига эп кўрмай, ёшлиқдан меҳр қўйган иши – устачилик билан, ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланишга аҳд қилди. Устози уста Муродулла

Маҳкам бобонинг давомчилари бор

аканинг ёнига кириб, у билан ишлаш бошлади. Ғўс қишлоғидаги «Туңуқ» масканини қуриш ва таъмирлашда фаол иштирок этиб, устозларнинг, элнинг назарига тушади. Ғўсдагина эмас, туманнинг бошқа ҳудудларида ҳам ишлаб, ёғоч ўймакорлигининг ноёб намуналарини яратди, бу ишни ўзига хос санъатга айлантирди.

Бу орада Маҳкам аканинг ўзи ҳам устозлик даражасига этиб, кўплаб ёшларга шу хунар сирларини ўргатади. Устанинг ишини, маҳоратини кўрган, нозик дидини сезган туман раҳбарлари уни йирик қурилишларга жалб этади.

– Утган асрнинг 70-йилларида туман раҳбарларидан бири Исқандар Умрзоқов Маҳкам устанинг хунарига қойил қолиб, тумандаги нозик ишларни унга ишониб топшира бошлади, – деб эслайди меҳнат фахрийси Тўйчи Облоқулов. – Мисол учун, Тойлоқдан Ургут туманига кираверишда, Дарғом канали ёқасида қурилган чойхона биноси ёғоч ўймакорлик ишларини Маҳкам ака шогирдлари билан бирга бажарганди. Шу ва бошқа ишлари билан у киши ўша пайтдаги вилоят раҳбарлари Бектош Рахимов, Синдор Ҳамроқуловнинг,



вилоят ИИБ бошлиғи, генерал О.Мухаммадиев, республика раҳбари Шароф Рашидовнинг эътиборига тушди. Уларнинг тавсияси билан уста Самарқанд шахридаги кўплаб бинолар учун миллий услубдаги эшик, деразалар, ёғоч ўймакорлигининг ноёб намуналарини ясаб берди. Жумладан, Самарқанд давлат университети фаоллар зали, Ички ишлар вазириликнинг «Зарафшон» санаторийси айвон ва эшиклари уста

Маҳкамнинг ижоди маҳсули ва улар ҳозиргача сақланиб келмоқда.

Шароф Рашидов «Зарафшон» санаторийси қурилиши ташаббускори бўлгани учун бу объект қурилиши доимий равишда кузатиб борган ва Самарқандга келганида албатта, ушбу объектни бориб кўрган, Маҳкам уста билан тез-тез сўхбатлашиб турган. Бугун устозимизнинг фарзандлари архивида бу жараёнлар акс этган кўплаб суратлар бор. Жиззахдаги Шароф Рашидов музейида ҳам бу суратларни кўрганмиз. Шунинг учун ҳам 2017 йилда Жиззахда давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этиш учун Маҳкам Шуқуровга таклифнома юборилган

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Каттақўрғон туманидаги «QUSHBEGI ZAMINI TOMORQA XIZMATI» масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 306170609) ўз устав фондидан 50 000 000 (эллик миллион) сўмдан 16 340 000 (ўн олти миллион уч юз қирқ минг) сўмга камайтирмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомда қабул қилинади.

Манзил: Каттақўрғон тумани Қушбеги МФЙ.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қодиров Улуғбек Толибович нотариал идорасида марҳум Мухаммадиев Худайбердига (2020 йил 11 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қодиров Улуғбек Толибович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Набиева Наргиза Қахрамоновна нотариал идорасида марҳум Нурматов Акрам Ахтамовичга (2020 йил 11 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Набиева Наргиза Қахрамоновна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Ургут шаҳарчаси Навоий шоҳқўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Раҳмонов Сарвар Нёматиллоевич нотариал идорасида марҳум Зуғрова Мавжуда Раҳमतовнага (2006 йил 23 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳмонов Сарвар Нёматиллоевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 60-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна

нотариал идорасида марҳум Ражабов Маматкул Турдалиевичга (2018 йил 2 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасида марҳум Мирзаев Рустам-али Чабановичга (2020 йил 15 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Лутфий кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазраткулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Рафиев Асаткулга (2020 йил 9 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазраткулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Каримов Обиджон Кахрамановичга (2016 йил 20 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райхон Беруний кўчаси, 12-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Мирзаева Тўйчи Ҳамроқуловнага (2018 йил 29 июнда

вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райхон Беруний кўчаси, 12-уй.

Пайарик туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда марҳум Джумаев Ботирбой Джурабоевичга (2018 йил 21 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайарик туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга мурожаат этишларини сўраймиз.

Пайарик туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда марҳум Куркмамов Жиянбек Тошбаевичга (2019 йил 3 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайарик туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга мурожаат этишларини сўраймиз.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Каттақўрғон педагогика билим юртидан 2001 йилда Холиқулова Дилбар Нарзикуловна номига берилган рўйхат рақами 9476, № 437643 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасидан 2007 йил 30 январда «ТЕНГОДОШИМ» нодавлат нотижорат ташкилотига (СТПР: 206846417) берилган 158 рақамли давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 11-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Абдуллоев Фирдавс Зубайдуллоевич номига берилган О'Р-З № 0768338 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«MY INSURANCE» МЧЖ СК Самарқанд вилоят филиалига қарашли MY-L 0017579-0017778

эди. Афсуски, бундан бир йил олдин устозимиз бу ёруғ оламни тарк этганди.

Маҳкам уста билан юртимизнинг қайси ҳудудда ишламайлик ўша пайтдаги колхоз раислари, жумладан, Абдулла Уринов, Қурсия Шойимовалар у кишини тез-тез йўқлаб турарди. Бу ҳам у кишининг қишлоғимизнинг фахри бўлганидан, доим раҳбарларнинг назарига эканлигидан далолатдир. Хизматлари туфайли у киши ўша пайтда камдан кам кишиларга насиб этадиган мукофот – енгил автомобиль билан тақдирланганди. Шунингдек, давлат мукофотларига лойиқ кўрилганди.

Кези келганда устозимизнинг ниҳоятда шогирдларварлигини ҳам алоҳида таъкидлашимиз керак. Айниқса, Матлаб Нурназаровга меҳрлари бошқача эди. Ишининг оғирини ўзига олиб, бизга нисбатан енгилроқ юмушларини буюрар, мураккаб ўймакорлик ишларини эринмай ўргатарди. Кейинчалик биз ҳам шогирдларимизга хунар ўргатишда устанинг йўлини тутадиган бўлдик. Ғўс хунармандчилиги аъёнлари бардавомлиги ҳикмати шунда бўлса керак.

Бугун ғўсликлар, устозимиз ишини яхши билганлар у киши қурган бинолар, эшикларни кўриб, дарвор танийди ва бу уста Маҳкамнинг хунари, деб эътироф этадилар. Қаровсиз жойдан очилган 2 гектарлик боғ ҳам устозимизнинг меҳнати маҳсули сифатида бугун у кишининг фарзанду набиралари рўзгорига барака киритиб келмоқда.

Устозимиздан бугун ана шу боғ, бир-бирдан кўркам иморатлар, зиёли фарзандлар қолди.

Илоҳим, Маҳкам устанинг руҳи шод, охирияти обод бўлсин!

**Тожи НАСИМОВ,
Расул ШУКУРОВ.**

СИЗЛАРДАН МИННАТДОРМАН!

Саломатлигимни тиклаш мақсадида Тошкент вилоятидаги «Чотқол» санаторийида дам олиб даволаниб келдим. Санаторий директори Мурод Илҳомов, бош шифокор Комила Тоирова, раҳбарият ходимлари Барно Сайдалиева, Сайёра Расулова, терапевт Нурия Бозорова, бош ошпаз Абдусаттор Баротов ва бошқа санаторий ходимларининг меҳнатидан жуда миннатдорман. Уларнинг касбига меҳри туфайли биз даволанувчилар саломатлигимизни мустаҳкамлаб олдик. Айниқса, ширин муомала ва катта-ю кичикка бўлган ҳурмат бизда катта таассурот қолдирди. Уларга эл саломатлигини таклашдаги хизматларида омад тилайман.

**Мўмина ГУЛЯМОВА,
Самарқанд шаҳри.**

рақамли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 136-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабидан 2008 йилда Усмонова Зарина Зоҳир зода номига берилган О'Р-А № 3146424 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги ихтисослаштирилган 60-заиф кўрувчи болалар мактаб-интернатидан 1994 йилда Лакаев Сухбатулла Аъзамкулович номига берилган таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 29-ўрта мактабдан 1998 йилда Халилов Обид Норбутаевич номига берилган № 376593 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Отамуродова Дилшода Исмаиловна номига берилган О'Р-Ш № 0626833 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабидан 2015 йилда Мусаев Мухриддин Алишер ўғли номига берилган О'Р-А № 6904685 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабидан 2011 йилда Тошмаматов У-

Рашид САТТОРОВ

Бешафқат ўлим тажрибали мураббий, қадрдон дўст, тиббиёт фанлари доктори Рашид Сатторовни орамиздан олиб кетди.



Р.Сатторов 1941 йилнинг 15 августда Самарқанд туманидаги Чордара қишлоғида туғилган. Тумандаги 2-ўрта мактабни битиргач, Самарқанд давлат тиббиёт институти талабаси бўлди. Олийгоҳни тамомлаб, Ургут тумани тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасининг ички касалликлар бўлимида терапевт сифатида фаолият бошлади. Кейинчалик СамДТИнинг госпитал терапия кафедраси ассистенти, доценти сифатида кўп йиллар меҳнат қилди. Ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги билан профессор-ўқитувчилар орасида ҳурмат қозонди. У 1995-2012 йилларда институтнинг врачлар малакасини ошириш факультети кафедраси доценти сифатида малакали мутахассислар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Институт ректорати ундаги изланувчанлик ва ташаббускорлиқни пайқагач, Р.Сатторовни врачлар маласини ошириш факультети кафедраси мудури этиб тайинлади. Олим даволаш самарадорлигини ошириш бўйича янги лойиҳа ва таклифларни олға сурди ҳамда ички касалликларни самарали даволаш бўйича ўқув қўлланмалар, монографиялар, олтишга яқин илмий мақола, тўртта методик қўлланма яратди.

Олим 1982 йилда «Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси билан касалланган беморлар жигирининг баъзи функционал кўрсаткичлари ва гемостазиология тизими» мавзусида номзодлик, 1993 йилда «Самарқанд шароитида сурункали колитни даволаш босқичлари ва клиник кечилишининг тарқалиши» мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлади.

У қайси вазифада ишлагани, беморларнинг дардини ўзининг дарди, қувончини ўзининг қувончи, деб биларди. Ҳамкасблари, оила аъзоларига доимо меҳрибон, ҳар жиҳатдан ўрнак бўлди. Ўзидан хайрли амаллар, муносиб шогирдлар, солиҳ фарзандлар қолдирди.

Мамлакатимиз тиббиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган таниқли олим Рашид Сатторовнинг хотираси ҳамкасблар, шогирдлар, яқинлари қалбига мангу яшайди.

Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси.

сан Одил ўғли номига берилган У № 4837097 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабидан 2002 йилда Хакимова Адиба Юсуповна номига берилган О'Р-З № 1276940 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Раззоқова Барно Рауфовна номига берилган О'Р-А № 1760501 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Сохибов Фарход Фахриддинович номига берилган О'Р-Ш № 0607463 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Бобононова Саидабону Райимовна номига берилган О'Р-А № 1091059 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат чет тиллар институти ректорати ва касоба уюшма қўмитаси институти таълим сифатини назорат қилиш бўлими бош мутахассиси Умид Пардаевга онаси **Истамой Жўраева**нинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

«Maъnaviyat saboqlari»

Меҳнатнинг нони ширин

“Меҳнат – меҳнатнинг таги роҳат!”... Донишманд халқимизнинг ҳалол меҳнатни улуғловчи, бу каби пурмаъно мақоллари кўп. Уларнинг барчаси замирида битта муштарак панд-насиҳат мужассам: меҳнат инсонни хорлик, зорлик, муҳтожликдан, бировга қарамликдан қутқаради.

Пешона тери билан топилган лўкма яна ўша мақоллардан бирида айтилганидек, “яримта нон – роҳат жон!”. Буни яхши билган одамлар бировнинг химмати, кўмагидан кўра меҳнат билан тирикчилик қилишни саодат биладилар. Бориға шуқур, йўғига қаноат қилиб яшаётган кишиларни кўрганамда бир ривоят ёдимга тушади.

– Ака, – дейди Хотамтой. – Ўтинчилик билан қийналиб кун кечирасиз. Мана, бойлигимнинг ҳисоби йўқ. Химматимдан бева-бечора, фақир фуқаро баҳраманд.

Келинг, сизга ҳам ёрдам берай, машаққат чекмай, беташвиш яшанг!

– Илтифотинг учун ташаккур жигар, – дебди акаси. – Мартабанг бунданда улуғ, бойлигинг зиёда бўлсин. Мен ҳеч қийнаётганим йўқ. Аксинча, меҳнатимдан ҳузур-ҳаловат толяпман. Қўй, ука, мени бундай роҳатдан мосуво қилма. Меҳнатсиз топилган лўкма кишини ялқов, таъмагир қилиб қўяди. Бундай ҳаётдан Худонинг ўзи асрасин. Хотайтой акасини синамоқчи

бўлибди. Акаси ўтин териш учун тоққа бориб келадиган кўприк устига бир ҳамён тилла қўйиб, пойлабди: “Қани, олармикан ё олмасмикан?”

Ўтин орқалаб тоғдан тушиб келаётган акаси, кўприкка яқин келганида ўйлабди: “Эй, Худо тўрт мучамни соғ қилиб яратганинга шуқур, мана, меҳнат қилиб, номини ҳалол топиб еяпман. Йўлимни топиб юра оламан. Ҳатто мана бу сой устига қўйилган омонат тўсин кўприкдан кўзимни юмиб ўта оламан!”. У кўзини чирт юмиб ҳамён устидан ўтиб кетибди.

“Ҳа, – дебди бута панасида пойлаб турган Хотамтой. – Акам ҳақ экан, меҳнатсиз бойлик буюрмас экан!”.

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

Айни кунларда юртимиз бўйлаб ушбу шиор остида донорлик хайрия акцияси бўлиб ўтмоқда.

ЭЗГУЛИК

албатта, қайтади

Акция доирасида марказимиз мутахассислари аҳолининг ихтиёрий равишда қон топиришини рағбатлантириш учун жойларда тадбирлар ташкил этяпти. Бу тадбирларда донорликнинг жамият саломатлиги учун бегараз ёрдами экани, турли касалликлар ёки бахтсиз ҳодисалар туфайли қон алмаштиришга муҳтож беморларга катта далда бўлиши тушунтирилмоқда.

Хайрия донорлик акцияси давомида кўплаб ёшлар, ҳарбийлар, ички ишлар идоралари ходимлари, Миллий гвардия вилоят бошқармасининг 19 нафар ходими марказимизда кўнгилли равишда бегараз қон топириди.

Бекзод ПЎЛАТОВ,
вилоят қон қўйиш маркази
донорларни саралаш бўлими мудири.

«Матбуот саҳифаларидан бир шингил»

Ўқитувчилар ҳарбий анжомлар билан дарс ўтади

Бектемир тумани мудофаа бўлимида учрашув бўлиб ўтди. Унда тумандаги 5 та мактабнинг чақирувга қадр тайёргарлик фани ўқитувчилари қатнашди.

Учрашувда мудофаа бўлими томонидан ўқитувчиларга оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш воситалари, тиббиёт анжомлари, ҳарбий кийим-бошлар топширилди. Энди бу ўқув анжомларидан машғулотларда фойдаланилади.

Тошкент шаҳри “Бектемир ҳақиқати” газетаси.

80 нафар болага 80 та велосипед ва хатна тўйи

Туманда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларнинг 80 нафар фарзандлари суннат тўйи ўтказилди.

Туман ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар ташаббуси билан ўтказилган тантанادا тўй болаларнинг ҳар бирига совғалар берилди.

Фарғона вилояти Бешариқ тумани,
“Бешариқ тонги” газетаси.



Кутлов, реклама

«ЖУМА ЭЛИВАТОРИ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

билан табриқлайди.



Ватанимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги учун жанг қилган, фронт ортида хизмат қилган ота-боболаримиз, онахонларимиз хизматларини қадрлаймиз. Бахтимизга доим соғ-саломат бўлинг, азизлар!



Мустақиллик йиллари Самарқандда

2003 йил, октябрь

Самарқанд шаҳрида 118 та кўп қаватли уй капитал таъмирланди.

ноябрь

Украина ташқи ишлар вазири Константин Гиршенко ва Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Яшвант Синха Самарқандга келди.

Вилоят пахтакорлари 235 минг тоннадан ортиқ пахта тайёрлади.

декабрь

10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов фармонида кўра, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинланди.

16 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра, Рустам Холмуродов Самарқанд вилояти ҳокими этиб тайинланди.

20 декабрь куни Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Эрдоган бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.

2004 йил, январь

Вилоят шифохоналарида 8217 нафар шифокор, 23 минг 188 нафар ўрта тиббий ходим фаолият кўрсатмоқда.

“Самарқандпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги қайта ишлаш корхоналари шу давргача 27 минг тонна пахта толасини хорижга экспорт қилди.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Нафс қуллигига гирифтор одам, бедаво даргда йўлиқибди. ***

Дўстсиз яшаш қанчалик оғир бўлса, ҳақиқий дўстни топиш унданда қийин. ***

Соянган ажрай олмангнингдек, ёмон феълнингдан ҳам ажрай олмайсан. Ўринбой НОРМАТОВ.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

2 МАЙ
Жоникўл ЮСУПОВ
– (1918-1986) Паст Дарғом туманида туғилган. Меҳнат қаҳрамони.
Хосият БОБОМУРОДОВА
– 1950 йил Хатирчи туманида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира.
Илҳомжон САИДОВ
– 1953 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Тарих фанлари доктори.

«САМАРҚАНД ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ»

Кутлов, реклама



акциядорлик жамияти

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва барча ватандошларимизни

9 МАЙ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

билан қутлайди.

Барчангизга узоқ умр,
сиҳат-саломатлик, жонажон
ватанимиз равнақи
йўлидаги ишларингизга
муваффақият тилаймиз!



Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS:

«Zarafshon» va «Самарқандский вестник» газеталари таҳририяти mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining «Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 17 154 nusxada chop etildi. Buyurtma 319

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.



Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» ta'hiriyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV.

Navbatchi: O'.XUDOYBERDIYEV.

Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X



9177201016670091